

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Ўзбекистон тумани

2023 йил 1 декабрь

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси И.С.Турсуновнинг раислигида, Б.Ҳазраткуловнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакили Б.Халилов (2023 йил 30 ноябрь кунги 1417-06-сонли ишончномага асосан)нинг иштирокида, жавобгар иштирокисиз, даъвогар “-----” АЖ, жавобгар “-----” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 11664610 сўм асосий қарз, 1069386 сўм тармоққа қайта улаш хизмати, 110517 сўм пеня ва 33000 сўм почта харажати ундириш тўғрисидаги ишни суд, Ўзбекистон туман электр таъминоти корхонаси биносига, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Иш ҳужжатларига қараганда, “-----” АЖнинг Ўзбекистон туман электр таъминоти корхонаси ва жавобгар “-----” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 25 февраль кунда 80-сонли электр энергияси таъминоти бўйича шартнома тузилган бўлиб, унга кўра, даъвогар жавобгарга туташтирилган тармоқ орқали электр энергиясини етказиб бериши, жавобгар эса етказиб берилган электр энергияси учун белгиланган тарифларга мувофиқ тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Даъвогар томонидан жавобгарга электр энергияси етказиб бериб келинган, бироқ жавобгар тўловларни ўз вақтида амалга оширмасдан қарздорликка йўл қўйган.

Даъвогар “-----” АЖ судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, “-----” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 11664610 сўм асосий қарз, 1069386 сўм тармоққа қайта улаш хизмати, 110517 сўм пеня ва 33000 сўм почта харажати ундиришни сўраган.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, унинг вакили суд мажлисига келмади ва даъво ариза юзасидан фикр-мулоҳазаларини тақдим этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнларда – Иқтисодий процессуал кодекси деб юритилади) 170-моддасининг учинчи қисмига кўра, ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар иқтисодий суднинг мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, унинг вакили суд мажлисига келмаганлиги боис, суд низо жавобгарни иштирокисиз ҳал қилиниши мумкин деб топади.



Суд мажлисида даъвогар вакили кўрсатма бериб, судга даъво аризаси тақдим этилгандан кейин жавобгар томонидан асосий қарз, пеня ва почта харажатлари бўйича тўлиқ тўловлар амалга оширилганлигини, даъводаги барча талаблари бартараф этилганлигини билдириб, ишни қонуний ҳал этишни сўради.

Суд, даъвогар вакилининг суд мажлисида келтирган кўрсатмаларини муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, даъвони қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 474-моддасига кўра, агар қонунчиликда ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади.

Фуқаролик Кодексининг 238-моддасида, мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари”нинг 127-бандига кўра электр энергияси истеъмолчилари фойдаланган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлашга мажбурдирлар.

Жавобгар тўловларни ўз вақтда амалга оширмаганлиги оқибатида, 2023 йил 1 ноябрь куни ҳолатига, электр энергияси истеъмолидан даъвогар олдида, 11664610 сўм асосий қарздорлиги вужудга келган.

Ушбу қарздорлик ишдаги ҳужжатлар, ҳисоб фактуралар ва даъвогар вакилининг суд мажлисида берган кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топади.

Даъвогар томонидан қарздорликни ихтиёрий тўлаш юзасидан жавобгарга талабнома юборилган. Талабнома оқибатсиз қолдирилиб, шу кунгача қарздорлик тўланмасдан шартнома мажбуриятлари бажарилмай келинган.

Қарздорнинг ҳисоб рақамига қўйилган тўлов топшириқномаси, ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги сабабли, ижро этилмаган.

Бу ҳолатда суд, даъвонинг асосий қарз ундириш талабини асосли ҳисобланади.

Бундан ташқари, даъвогар жавобгардан тармоққа қайта улаш хизмати учун 1069386 сўм ундиришни сўраган.

“Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари”нинг 70-бандига кўра истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш, маиший истеъмолчилар бундан мустасно, 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2017 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПФ-5059-сонли Фармони 8-бандига кўра, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан, истеъмолчи — юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг



10 баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Даъвогар вакилининг суд мажлисида берган кўрсатмаларидан, жавобгар фермер хўжалигининг ҳисоб рақамида пул маблағи мавжуд эмаслиги сабабли, буғдой ва пахта суғориш мавсумларида жавобгарнинг электр қурилмалари қайта улаш хизмати тўловсиз тармоққа уланганлиги аниқланди.

Ушбу қарздорлик ҳам ишдаги ҳужжатлар билан ҳам ўз тасдиғини топади.

Бундай ҳолда даъвогарнинг жавобгардан тармоққа қайта улаш хизмати учун 1069386 сўм ундириш талабини ҳам асосли деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, даъвогар жавобгардан 110517 сўм пеня ундиришни сўраган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.12 бандига кўра, ҳисоб китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0.1 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.11.2004 йилдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 511-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 11-бандига кўра, ҳисоб-китоб ойидан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, 1-иловага мувофиқ электр энергияси етказиб беришнинг махсус тартибига эга бўлган корхоналар учун эса — 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади.

Фуқаролик кодексининг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Бу ҳолатда, суд даъвонинг пеня ундириш қисмини ҳам асосли деб ҳисоблайди.

Бироқ суд мажлисида даъвогар вакили томонидан тақдим этилган 2023 йил 30 ноябрь кунги маълумотномада жавобгар суд мажлиси кунига қадар қарздорликни тўлиқ қоплаганлиги қайд этилган.

Бу ҳолатда суд даъвони рад этиб, давлат бојини жавобгар зимасига юклашни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, суд даъвони қаноатлантириш рад этишни, шунингдек, ИПКнинг 118-моддасига асосан, Республика бюджети ҳисобига жавобгардан 330000 сўм давлат боји ундиришни лозим деб ҳисоблайди.



Юқоридагиларга асосан, суд Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 236, 234, 333,468, 474-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 118, 176, 177, 178, 179, 180, 186, 259-моддаларини қўллаб,

## Қ А Р О Р    Қ И Л А Д И :

Даъво қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар “-----” масъулияти чекланган жамиятидан 330000 сўм давлат божи Республика бюджети ҳисобига ундирилсин.

Ишда иштирок этувчи шахслар бир ойлик муддат ичида суднинг ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали, Фарғона вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести) келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

И.С.Турсунов

